# СОҒЛОМ АВЛОД — ВАТАН ҚУДРАТИ

***Бундан роппа-роса бир йил муқаддам Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган тантанали маросимда халқимиз эзгу орзу-ниятларининг узвий давоми сифатида 2000 йилни мамлакатимизда Соғлом авлод йили деб эълон қилгандилар. Ўшанда соғлом авлод тарбияси ҳар бир инсон, ҳар бир оила, бутун жамиятдаги жиддий эътибор ва узлуксиз меҳнат талаб қилиши таъкидланган эди.***

***Ана шундай улуғвор мақсадларни дилга тугиб XX асрнинг сўнгги йили — 2000 йилга қадам қўйдик. Эндиликда ўтган қисқа муддатда амалга оширилган ишлар салмоғини чамалаш, босиб ўтган йўлга назар ташлаш мумкин, деб ўйлаймиз. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, соғлом авлодни, соғлом наслни бирданига тарбиялаб бўлмайди. Бунинг учун кенг миқёсдаги кўпдан-кўп вазифаларни бажаришимиз, узоқни кўзлаб иш тутишимиз керак. Албатта, бир йил мобайнида бундай кенг қамровли вазифаларни уддалаш осон эмас. Бу ўринда, энг муҳими, жамиятимиз олдида турган устувор вазифанинг моҳиятини, ҳар бир фуқаронинг келгуси авлодлар олдидаги бурчини англаб етиш йўлида неча ўн йилликларга татийдиган ишлар қилинди.***




Давлат дастурида белгиланган соғлом оилани шакллантириш, оилада юксак маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлом фарзандларни дунёга келтириш, қизларимизни ёшликдан бошлаб соғлом она бўлишга тайёрлаш, ўғил болаларимизни эса алпқоматли йигитлар — оила, Ватан посбонлари қилиб тарбиялаш, хонадон ва жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон андозаларига мос тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, туғма ногиронликнинг олдини олиш, ногиронларни соғломлаштириш ва бошқа масалалар бўйича йўналишлар амалиётга самарали тадбиқ этилмоқда.

Азалдан касални даволашдан кўра унинг олдини олиш муҳим саналиб келган. Шу маънода Давлат дастури доирасида мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаронинг, айниқса, қизларимиз, оналаримиз ва болаларимиз онгини тиббий билим асослари билан қуроллантириш, яъни тиббий саводхонликни ошириш мақсадида амалга оширилган ёзма ва оғзаки тарғибот-ташвиқот ишлари ўзининг самарасини бермоқда. Чунончи, соғлом авлодни шакллантириш масалалари билан боғлиқ методик қўлланмалар, буклетлар, тавсиялар, матбуот чиқишлари, махсус телекўрсатув ва радио эшиттиришлари, мавзуга йўналтирилган плакатлар, теле ва радио роликлар ва бошқа самарали тарғибот ва ташвиқот шакллари фуқароларимиз тиббий онгини шакллантиришда ижобий рол ўйнайди.

Дастур асосида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва ҳокимликлар ҳамкорлигида Нукус, Фарғона, Самарқанд, Қарши, Тошкент, Бухоро, Наманган, Андижон ва Термиз шаҳарларида ногирон болалар туғилишининг олдини олиш чорасини кўрувчи «Она ва бола скрининги» марказлари ташкил этилди, жамғарма томонидан улар замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди ва фаолият бошлади. Қисқа муддатда туғиш ёшидаги аёллар ва ўсмир йигит-қизларни ёппасига тиббий-ижтимоий патронаж қилиш тизими яратилди. Тиббий профилактика кўриги механизми такомиллаштирилди. Тошкент шаҳрида Австриянинг «SOS» — Киндердорф-Интернейшнл» халқаро уюшмаси билан ҳамкорликда ота-онасиз болалар учун «SOS-болалар маҳалласи», туғиш ёшидаги аёлларга ва бўлажак оналарга илмий-амалий ёрдам берадиган республика акушерлик-гинекология илмий-текшириш институтининг филиаллари Қарши, Нукус, Жиззах ва Наманган шаҳарларида ташкил этилди. Айни пайтда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Адлия вазирлиги ва хотин-қизлар қўмиталари ҳамкорлигида бўлажак келин-куёвларни тиббий кўрикдан ўтказиш тизими барпо этилди.

Ёш йигит ва қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларни фарзанд тарбияси сирлари, санитария ва шахсий гигиенага оид билимлар билан қуроллантириш мақсадида ЗАГС бўлимлари қошида «Оила дорилфунуни» ўқув курси, академик лицей ва касб-ҳунар коллежи талабалари учун «Оила психологияси» ўқув фани, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари талабалари учун «Тиббиёт билимлари асослари» ўқув курси, умумтаълим мактабининг 1-4 синфлари учун «Саломатлик дарслари», 5-8-синф ўқувчилари учун «Соғлом авлод асослари» ўқув курслари жорий этилди. Ёшларни турли юқумли ва хавфли касалликларнинг олдини олиш руҳида тарбиялаш мақсадида ОИТС (СПИД) ОИВ ВИЧ профилактикаси ўқув курси ҳам киритилди.

Ёшларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, турли иллатларнинг олдини олиш мақсадида «Чекмасдан ёшлик гаштини сур», «СИГИС» (Санитария ва гигиенани қўшиб олиб бориш) дастурлари амалиётга тадбиқ этилмоқда.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, буюк давлатни соғлом авлод, соғлом миллат яратади. Дастурда истеъдодли болаларни қўллаб-қувватлаш алоҳида йўналиш сифатида белгилаб берилган. Бу борада «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон бадиий академияси, Ижтимоий таъминот, Маданият ишлари вазирликлари ва бошқа мутасадди давлат ҳамда нодавлат ташкилотлари томонидан иқтидорли болалар ўртасида ўтказилган «Камалак жилоси», «Рангларнинг гўзал дунёси», «Осиё мактаб болалари ҳаётидан расмлар ва шеърлар», «Ўйинчоқлар — маънавий саломатлик омили» мавзуидаги кўрик-танловлар, «Интерфестивал-2000», «Қўғирчоқ театрлари фестивали», «Соғлом авлод юлдузлари», «Яшил чироқлар», «Болаларга салом берайлик», қатор давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан ҳомиладор аёллар ва болалар учун маҳаллий матодан тайёрланадиган кийимларнинг «Кичкинтойлар — ширинтойлар» мода фестивалларининг ўтказилганлиги, иқтидорли санъаткор ёшлар учун «Ниҳол» мукофотининг таъсис этилиши уларнинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний камол топишида муҳим аҳамият касб этади.

Жисмоний тарбия ва спорт инсон саломатлиги омилидир. Шу боисдан жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёшларни спортга кенг жалб этиш масаласи давлатимиз раҳбариятининг диққат-эътиборида.

Хусусан, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси кубоги учун 12-14 ёшли болалар ўртасида ўтказилган теннис турнири, ёшлар ўртасида ўтказилган «II-Алпомиш ўйинлари» фестивали, талабалар ўртасида «Универсиада-2000» спартакиадаси, «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақалари, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида «Соғломжон-полвонжон», 7 ёшдан 70 ёшгача ҳаваскорлар ўртасида югуриш мусобақалари, 11-14 ёшли маҳалла болалари ўртасида футбол мусобақалари, «Футбол ғунчалари» шунингдек, кураш, таэквандо, сузиш, волейбол, автомото пойга, миллий спорт турлари ва бошқа қизиқарли жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари ёшлар саломатлигини мустаҳкамлашда ва спортга бўлган қизиқишини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирларнинг мазмун ва моҳиятида соғлом авлодни шакллантиришнинг 6 та йўналиши ўз ифодасини топган. Айниқса, 1 ёшгача ва 1 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, доимий назорат қилиш масаласига алоҳида эътибор берилган. Жумладан, соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 1 ёшгача ва 1 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларни патронаж тиббий-кўригининг ташкил этилганлиги ва амалга оширилганлиги бу борада қилинган муҳим ишлардан ҳисобланади. 6 ёшгача бўлган болаларнинг 98,6 фоизи тиббий кўрикдан ўтказилди. Шунингдек, вазирлик томонидан силга қарши курашиш дастури амалга оширилмоқда. Қанд касаллигига чалинган болаларда ушбу хасталикнинг асоратларини тугатиш ва ногиронликни камайтириш мақсадида миллий карта регистри ташкил қилинди.

Болаларда йод етишмовчилигининг олдини олиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё ва Навоий вилоятлари туз конларида ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти ҳомийлигида ўрнатилган 5 та тузни йодловчи махсус ускуна орқали тузларни йодлашга эътибор кучайтирилди. Фарғона, Навоий, Сирдарё вилоятларида болаларда тез-тез учрайдиган касалликларни интегрирлашган усулда даволаш дастури жорий қилинмоқда.

Соғлом авлод йилида инсон манфаатларини кўзлаган муҳим ғоялардан яна бири аҳолини ёппасига патронаж қилиш масаласи ҳисобланади. Ушбу йилда 94,3% туғиш ёшидаги аёллар тиббий-ижтимоий патронаждан ўтказилди. Мазкур тадбирни амалга оширишда қишлоқ хотин-қизлари алоҳида эътиборда бўлди. Ижтимоий патронаж хулосасига кўра, бемор деб топилган фуқаролар, жумладан, хотин-қизлар ва болалар соғлиқни сақлаш муассасалари орқали соғломлаштирилди.

Соғлом авлоднинг дунёга келишида ота-оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш муассасаларининг барпо этилиши, таъмирланиши ва қайтадан қурилишига алоҳида аҳамият берилганлиги ҳам 2000 йилда амалга оширилган муҳим ишлардан биридир. Жумладан, жамғармамиз ва мутасадди ҳокимликлар томонидан Чортоқ болалар санаторийсини таъмирлаш, Бешариқдаги «Она ва бола» санаторийси қурилишини якунлаш, Тошкент шаҳрида академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқувчилари учун иссиқ нонушта тайёрлайдиган комбинатнинг ташкил этилиши, Қашқадарё вилоятидаги Яккабоғ, Наманган вилоятидаги Давлатобод, Тошкент вилоятидаги Ўрта Чирчиқ тумани ва бошқа жойларда бунёд этилаётган болаларни соғломлаштириш паркларининг молиялаштирилганлиги ҳамда таъмирланганлиги оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ушбу йилнинг муҳим ютуқларидан яна бири кам таъминланган, болалик оилалар, ногиронлар, беморлар, боқувчисини йўқотганлар ва етим-есирларни ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларидаги фуқаролар саломатлигини доимий назорат қилишга алоҳида аҳамият берилганлигидир.

Жамиятдаги аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий мақомини ва мавқеини ошириш мақсадида аёллар бошчилик қилаётган кичик ва ўрта бизнеснинг бир қанча объектларига микрокредитлар берилди. Минглаб хотин-қизлар касаначилик меҳнати билан таъминланди, ёш болалари бўлган 10479 нафар уй бекаси ишга жойлаштирилди. 3 ёшгача ёки ногирон болалари бўлган, ишсиз хотин-қизларга моддий ёрдам кўрсатиш масаласи алоҳида назоратга олинди.

Давлат дастурини ҳаётга тадбиқ этишда халқаро ташкилотлар ҳам улуш қўшдилар. Жумладан, «Проктер энд Гэмбл», «Каунтертпарт Интернейшнл», «Америкерс», «Прибори Ой», «ЮНИСЕФ», «Медко-медикал», «SOS — Киндердорф Интернейшнл», элчихоналардан Япония, Корея, АҚШ, Германия, Миср Араб республикаси ва бошқалар, қўшма корхоналардан «Кока кола», «Совпластитал», «Бизнес Текнолоджи», «Косонсой Текмен», «Чаглаян» ва бошқалар ўзларининг салмоқли улушларини қўшиб келмоқдалар.

Шундай қилиб, 2000 йил «Соғлом авлод» йили муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури амалиётда ўз самарасини кўрсатмоқда.

Аввало, соғлом авлодни шакллантириш масаласига бевосита мамлакат раҳбарининг бошчилик қилаётганлиги, Дастурнинг ижросини доимий назоратга олганлиги, унда белгиланган чора-тадбирлар давлат томонидан молиялаштирилаётганлигининг моҳиятини халқимиз чуқур англаб етган ҳолда, унга умумхалқ, умуммиллат иши сифатида қарамоқда.

Муҳими, соғлом авлодни шакллантиришдек улуғвор ишга масъулият билан ёндошишдан мамлакатимиздаги ҳеч бир фуқаро, давлат ва нодавлат ташкилоти четда тургани йўқ. Аксинча, давлат дастуридаги ҳар бир тадбирни онгли равишда бажаришга бор имконият билан иштирок этдилар.

2000 йил инсоният тарихида муҳим давр ҳисобланади. Яъни, биз янги минг йиллик остонасидамиз. Янги асрни ҳар бир шахс, халқ, мамлакат янги-янги режалар, оламшумул ғоялар билан қаршиламоғи зарур. Халқимизнинг Президент раҳнамолигида миллат генафондини соғломлаштириш ғояси билан XXI асрга кириб келиши жуда муҳим тарихий воқеадир.

Соғлом авлодни шакллантириш масаласи бир кунлик ёки бир йиллик иш эмас, балки узоқ муддат, доимий эътибор, тинимсиз меҳнат талаб қиладиган жараён. Шунинг учун ушбу ғоя, дастурда белгиланган чора-тадбирлар соғлом авлодни шакллантириш ишларининг дебочасидир. Йиллар давомида у янада такомиллашиб, янада самарали натижалар бериб бориши табиийдир.

**Ойниса МУСУРМОНОВА,**
**«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси бошқаруви раиси.**

# «Кейс»лар янги мавсумга шай



*Самарқанд тумани сабзавот маҳсулотлари етиштиришда вилоятда энг етакчи ўринда туради. Бу йил туман меҳнаткашлари 70 минг 120 тонна сабзавот етиштирдилар. Бу эса вилоятда тайёрланаётган сабзавотнинг 33 фоизини ташкил қилади.*

*Айни пайтда тумандаги машина-трактор парки давлат ҳиссадорлик жамиятида иш қизғин кетмоқда. Мазкур корхонада «Кейс» комбайнлари вилоятда биринчи бўлиб таъмирдан чиқарилди. Ҳозирги кунда бу ерда юртимизда ва чет элда ишлаб чиқарилаётган механизмларга 30 турдан зиёд эҳтиёт қисм тайёрланмоқда. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида аҳил жамоа 195 миллион сўмлик иш бажарди. Корхонада иссиқхона ҳам мавжуд. Бу ерда ишчи-хизматчилар учун турли сабзавот экинлари билан бир қаторда лимон ҳам етиштирилмоқда.*



**СУРАТЛАРДА:** жамият раҳбари Аъзам Садриев ишчи Исфандиёр Тўқсонов билан иссиқхонада етиштирилаётган лимонларни кўздан кечирмоқда; «Кейс» комбайни операторлари Раббим Жўраев ва Рустам Қулиев.

**Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## Ўзбекистон-Россия:

# ВИЗА ТАРТИБИ

*2000 йил 30 ноябр куни Минск шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Россия Федерацияси ҳукумати ўртасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва Россия Федерацияси фуқароларининг ўзаро келиб-кетишлари тўғрисида Битим имзоланди.*

*Ушбу Битимга биноан, бир Томон давлатининг фуқаролари иккинчи Томон давлати ҳудудига мазкур Битимнинг таркибий қисмлари бўлган 1- ва 2-иловаларига мувофиқ, унинг шахсини ва фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатлардан бири асосида визасиз киришлари, чиқишлари, транзит йўналиши бўйича ҳаракатланишлари, юришлари ва бўлишлари мумкин.*

*Томонлар давлатларининг учинчи давлатларда истиқомат қилувчи фуқаролари ҳам Томонлар давлатларининг ҳудудларига, шунингдек, визасиз киришлари, чиқишлари, унда юришлари, бўлишлари ва транзит йўналиши бўйича ҳаракатланишлари мумкин.*

*Ушбу Битим имзоланган санадан бошлаб вақтинча қўлланади ва у қуйидаги икки иловага эга.*

### Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Россия Федерацияси ҳудудига киришлари, чиқишлари, бўлишлари ва юришлари учун ҳужжатлар РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти.
2. Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти.
3. Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (16 ёшга тўлмаган болалар учун; фақат уларнинг қонуний вакиллари ҳамроҳлигида).
4. Хизмат сафари ёки таътил гувоҳномаси (ёзма фармойиш) мавжуд бўлгани ҳолда ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчининг шахсий гувоҳномаси, ҳарбий билети.
5. Ҳаво кемаси экипажи аъзосининг учиш гувоҳномаси (учиш қайдномасида тегишли ёзув бўлгани ҳолда).
6. Темир йўл транспорти ходимининг шахсий гувоҳномаси (поезд ва рефрижератор бригадалари таркибида ҳаракати мобайнида)
7. Ўзбекистон Республикасига қайтиш гувоҳномаси (фақат Ўзбекистон Республикасига қайтиш учун).

### Россия Федерацияси фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришлари, чиқишлари, бўлишлари ва юришлари учун ҳужжатлар РЎЙХАТИ

1. Россия Федерацияси фуқаролигини тасдиқловчи маълумотномаси, қистирма иловаси, (белгиси) ва Россия фуқаролигига мансублиги тўғрисидаги матн ёки 1992 йил 6 феврал ҳолати бўйича (2005 йил 31 декабрга қадар) Россия Федерацияси ҳудудида рўйхатдан ўтганлиги (доимий прописка) тўғрисида штамп бўлгани ҳолда собиқ СССР фуқароси паспорти.
2. Россия Федерацияси фуқароси паспорти.
3. Йўқолган паспорт ўрнига Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартиб бўйича берилган фуқаронинг вақтинчалик шахсий гувоҳномаси.
4. Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (14 ёшгача бўлган болалар учун).
5. Хизмат сафари гувоҳномаси, ёзма фармойиш ёки таътил далолатномаси мавжуд бўлгани ҳолда ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчининг шахсий гувоҳномаси, ҳарбий билети.
6. Дипломатик паспорт.
7. Хизмат паспорти.
8. Россия Федерацияси рамзи туширилган чет эл паспорти.
9. Россия Федерацияси фуқаролиги тўғрисидаги ёзув ёки белги бўлган собиқ СССР рамзи туширилган умумфуқаро хориж паспорти.
10. Денгизчи паспорти (кема қайдномаси ёки ундан кўчирма мавжуд бўлган ҳолда).
11. Ҳаво кемаси экипажи аъзосининг учиш гувоҳномаси (учиш қайдномасида тегишли ёзув бўлгани ҳолда).
12. Темир йўл транспорти ходимининг шахсий гувоҳномаси (поезд ва рефрижератор бригадалари таркибида ҳаракати мобайнида).
13. Россия Федерациясига қайтиш гувоҳномаси (фақат Россия Федерациясига қайтиш учун).

**«Жаҳон» АА.**

● 8 декабр — Конституция куни

# «Аёл ва ҳуқуқ»




Миллий матбуот марказида Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар коллежи талаба ва ўқитувчиларининг Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова билан ана шу мавзуга бағишланган учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда давлатимиз мустақиллигининг илк кунлариданоқ мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларидаги фаоллигини ошириш, саломатлигини янада яхшилаш, ҳуқуқий билимларини юксалтиришга катта эътибор берилаётганлиги таъкидланди. 1997 йил апрелида Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ Тошкентда ихтисослаштирилган хотин-қизлар коллежи ташкил этилганлиги бу борадаги муҳим хайрли ишлардан бири бўлди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозир коллежда 500дан зиёд қиз бошқа фанлар қатори тиббий, ҳуқуқий, ижтимоий билимларни чуқур ўрганмоқда. Келажакда улар ҳар бир маҳалла, хонадонда хотин-қизларнинг Конституциямизда кафолатланган ҳуқуқларини, соғлом турмуш тарзи, аёлларга яратиб берилган кенг имкониятларни тарғиб қилиш жараёнига фаол қўшиладилар.

**(ЎзА)**

Долзарб суҳбатлар

# Дунё тан олган дастур

**_Республикамиз пойтахтида Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури: натижалар ва ислоҳотлар истиқболи» мавзуида халқаро анжмуман ўз ишини давом эттирмоқда. Мазкур анжуман ЮНЕСКО халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда республикамиз вакилларидан ташқари яна жаҳоннинг 19 та бошқа мамлакатидан атоқли олимлар, мутахассислар, халқаро экспертлар, шунингдек, республикамиздаги хорижий элчихоналарнинг вакиллари қатнашмоқда. Мухбиримиз хорижий меҳмонларнинг айримлари билан суҳбатлашди._**

**В. И. ВЕДЯПИН, Плеханов номидаги Россия иқтисодий академиясининг президенти:**

— Инсон фарзандини фақат билим ривожлантира олади. Масалан, билимсиз одам ҳаёт муаммоларига дуч келиб қолса, қийналиши, чорасизликдан оҳ-воҳ тортиши мумкин, холос. Аммо билимли одам ҳаёт муаммоларига дуч келадиган бўлса, уларга танқидий ва таҳлилий кўз билан қарайди, муаммонинг илдизини аниқлайди. Масаланинг илдизига етдингми, уни ҳал этиш мумкин. Айниқса, ҳозирги кунда билимли бўлишнинг аҳамияти катта. Ҳар бир мамлакатнинг ривожланиши учун унинг бошқа мамлакатлар билан иқтисодий, маданий алоқалари мухим рол ўйнайди. Масалан, бугунги кунда ҳеч бир мамлакатнинг иқтисодини бошқа мамлакатлар иқтисоди билан алоқалардан ташқарида тасаввур қилиб бўлмайди. Ана шундай халқаро иқтисодий муносабатларни чуқур биладиган мутахассис кадрлар ҳам керак. Мамлакат шундагина иқтисодий жиҳатдан ривожланади.

Шу боисдан Ўзбекистон мустақилликка эришган пайтдаёқ янги билимли авлодни тарбиялаб етиштиришга энг устувор вазифа сифатида қаралганлиги, бу соҳада улкан давлат дастури ишлаб чиқилганлиги ва амалга жорий этилганлиги алоҳида аҳамиятлидир.

Ўзбекистон ҳар жиҳатдан дунёдаги энг ривожланган давлатлар даражасига эришишга интилмоқда. Бунинг учун эса юксак малакали, билимли мутахассис кадрлар керак. Худди шундай кадрлар билангина республика ўз олдига қўйган катта мақсадларига эришади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти олиб бораётган сиёсат ҳар жиҳатдан ибратлидир. Халқаро анжуманда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни рўёбга чиқариш жараёнида эришилган натижалар таҳлил этилади, келгуси режаларга аниқлик киритилади. Бу конференциянинг аҳамияти катта.

**Хартман ЛЕБЕТРУТ, профессор, Халқаро матбаа олий ўқув юртлари ассоциациясининг президенти:**

— Ўзбекистонда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга ошириш бўйича ҳозирнинг ўзидаёқ салмоқли ишлар қилинди. Масалан, республика олий ўқув юртларининг жаҳондаги бошқа нуфузли таълим марказлари билан халқаро ҳамкорлик алоқалари йўлга тушди ва фаоллашди. Ўзбекистонда таълимни халқаро андозаларга кўтариш учун бундай ҳамкорлик жуда зарур. Масалан, Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти Германиянинг Вуппертал шаҳридаги бизнинг Берг бирлашган университетимиз билан ана шундай ҳамкорлик ўрнатган. Бу тасодифий эмас, албатта. Мен бошлиқ Халқаро матбаа ўқув юртлари ассоциацияси иштирокида ҳамда дунёга машҳур «Heidelberg» компанияси ёрдамида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти базасида матбаачилик ўқув маркази ташкил этилди. Талабалар бу марказда жаҳондаги янги матбаа ускуналари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Бу институтнинг барча матбаашунос профессор-ўқитувчилари эса Германияда малака ошириб келишди. Келгуси йилда Тошкент институтининг 20 нафар талабаси Берг университетида ва етакчи корхоналарда ўқув амалиётини ўтказади.

Ҳозир эса ўзбек-немис ўқув режасини ишлаб чиқиш ҳамда ўзаро бирлашган кафедрани ташкил этиш устида иш олиб борилаяпти. 2003 йилда Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти базасида Халқаро ассоциациямиз ташаббуси билан халқаро конференция ўтказилиши режалаштирилмоқда. Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз бу анжуманни юқори савияда ўтказишларига ишонаман.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқиб амалда қўлланилаётганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ЮНЕСКО олтин медалининг топширилиши ҳам тасодифий эмас. Бу Ўзбекистон Республикаси кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг дунё миқёсида тан олинганлигининг белгисидир, деб ўйлайман.

**Анжуман**

***Наманган Давлат университетида «Тарих ва тақдир: Фарғона водийси тарихини тадқиқ этиш муаммолари» мавзусида республика илмий анжумани бўлиб ўтди.***

# Тарих ва бугун

Анжуманда бутун республикамиздан Фарғона водийсининг тарихини тадқиқ этувчи олим ва аспирантлар, илмий тадқиқотчилар қатнашдилар. Қадимги ва ўрта асрлар даврида, чоризм мустамлакачилиги ва шўролар ҳукмронлиги даврида ҳамда мустақиллик йилларидаги Фарғона водийси мавзуларидаги маърузалар тингланди ва қизғин баҳсларга сабаб бўлди.

Шунингдек, анжуманда Ўзбекистон Давлат тарих музейининг ходимлари профессор Қ.Иноятов, Н.Содиқова, К.Турсуналиевалар томонидан тайёрланган «Ўзбекистоннинг метал ва сопол буюмлари каталоги (XVIII-XX асрлар)» номли каталог-китобининг тақдимоти ўтказилди. Ушбу каталог рус тилида бўлиб, навбатдаги нашрлари ўзбек ва инглиз тилларида амалга оширилиши кўзда тутилган.

**Д.ТУРҒУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 5 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 170,81 | 10 Люксембург франки | 68,16 |
| 1 Австрия шиллинги | 20,27 | 1 Малайзия ринггити | 83,81 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 455,83 | 1 Германия маркаси | 142,64 |
| 10 Бельгия франки | 69,16 | 1 Польша злотийси | 71,22 |
| 1 Голландия гульдени | 126,59 | 1 СДР | 408,22 |
| 10 Греция драхмаси | 8,20 | 1000 Туркия лираси | 0,47 |
| 1 Дания кронаси | 37,42 | 1 Финляндия маркаси | 46,92 |
| 1 БАА дирхами | 86,70 | 1 Франция франки | 42,53 |
| 1 АҚШ доллари | 318,43 | 1 Швейцария франки | 184,50 |
| 1 Миср фунти | 84,35 | 1 ЕВРО | 278,98 |
| 10 Испания песети | 16,77 | 10 Жанубий Корея вони | 2,64 |
| 100 Италия лираси | 14,41 | 10 Япония иенаси | 28,72 |
| 1 Канада доллари | 208,00 | 1 Россия рубли | 11,42 |
| 1 Хитой юани | 38,47 | 1 Украина гривнаси | 58,57 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*


ҚУЛАЙЛИКНИ ҲИС ЭТИНГ

MICROS Group

СИФАТ ВА МУСТАҲКАМЛИКНИ АФЗАЛ КЎРАДИГАНЛАР УЧУН



Space CLASS

МЕТАЛЛОПЛАСТИКДАН ЭШИК ВА РОМ ТИЗИМЛАРИ

Чегирмаларнинг қулай усуллари

Немисча сифат кафолати

UCD Group Тел.: 132-07-21, 132-07-14 Манзил: С.Азимов К.,72а. E-mail: okna@ucd.uz http:www.ucd.uz



Чет эл технологияси ва хомашёсидан лак-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи Марказий Осиёда ягона корхона

«Лок колор синтез» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

республикада ЭНГ АРЗОН НАРХЛАРДА сифатли маҳсулотларнинг савдоси бошланганини маълум қилади.



Кенг ассортиментдаги маҳсулотлар!

ҚУРИЛИШ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН:

- Уй ичларини бўяш учун акрил вододисперсион бўёқлари.
- Ташқи деворлар учун бўёқлар.
- Алкид эмаллари.
- Полларни бўяш учун эмаллар.
- Ёғоч ва бўялган юзаларни қоплаш учун лаклар.
- Акрилат эмаллари.
- Грунтовка ва шпатлевкалар.
- L 80,100,120 мм.ли михлар.
- Эмульсия елими.
- Силикат елими.

САНОАТ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН:

- Универсал алкид бўёқлари.
- Универсал алкид лаклари.
- Алкид-уретан эмаллари.
- Акрилат эмаллари.
- Грунтовка ва шпатлевкалар.

Манзил: Ўзбекистон, 700005, Тошкент ш., Фарғона йўли к., 35.
Тел.: (99871) 1914741,1918094. Факс: (99871) 191746.
E-mail: lokolor@online.ru.

3055



ЯНГИ АСР БЎСАҒАСИДА

ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

*республика аҳолиси ва меҳмонларига ноёб имкониятни — энг замонавий тўлов воситаси бўлган*

**СЎМ ПЛАСТИК КАРТОЧКАСИНИ**

*бепул олишни таклиф этади.*

карточка эгаларига йилига 36% фойда тўланадиган омонат очилади

ҳар ойда капиталлаштириш эвазига эса пулларингиз йилига 42,6% кўпаяди.



Ҳисобварағи қаерда очилганидан қатъи назар, сўм карточкаси ёрдамида бизнинг исталган муассасамизда банкоматдан ҳам, кассадан ҳам нақд пул олишингиз мумкин.
«Шарқ-Мир», «Тижорат» супермаркетларида ва Нукус аэропортида ҳам банкоматлар ўрнатилган.

Супермаркетлар, дўконлар, ресторанлар, маиший хизмат корхоналари, уяли алоқа компанияларида, авиа ва темир йўл кассаларида сўм карточкалари товарлар ва хизмат ҳақини тўлаш учун қабул қилинади;

сўм карточкаларининг эгаларига ҳаёт ва соғлиқни бепул суғурталаш имкони берилади.

NBU

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг исталган бўлим ёки филиалига мурожаат қилиб, сўм пластик карточкасининг эгаси бўлишингиз мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (+99871) 137-62-80, 34-31-53.

**Айни вақтда банк шуни маълум қиладики, «Ўзмиллийбанк» пластик карточкалари бошқа турлари бўйича воситачилик мукофотлари тарифлари ўзгартирилган.**

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки пулларингизнинг сақланиши ва даромадлилигига кафолатдир.

**Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллиги олдидан**



# Тўй тараддуддан бошланади

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Буюк ўзбек шоири, мутафаккири, давлат арбоби Алишер Навоий таваллуди муносабати билан бу қутлуғ маъракага тайёргарлик тобора кучаймоқда.

Навоий шаҳрида 20 гектар майдонни эгаллаган ҳашаматли боғ барпо этилаётир. Унинг бир учи «Ширин», иккинчи томони «Фарҳод» маданият саройларига уланади. У республикамиздаги энг ноёб ўсимликлардан ташкил топган дендропаркни ҳам ўз ичига олади.

7,7 метр баландликда қад ростлайдиган бобомизнинг бронза ҳайкали узоқлардан кўзга ташланиб туради. Бу ҳайкал Рудакий, Умар Ҳайём, Низомий сингари буюк сиймолар ҳайкаллари саф тортиб турган «Шеърият боғи» мажмуининг асосига айланади. Тўйга тўёна сифатида қўлёзмалар музейи ва кутубхона шоир боғи кўркига-кўрк қўшади.

Юбилей тантаналари Тошкентда ва жаҳоннинг бошқа минтақаларида ҳам нишонланса-да, аммо Навоий шаҳри ҳақли равишда бу тўйнинг марказига айланади. Вилоятдаги ҳар бир жамоа бу маъракага катта ҳозирлик кўрмоқда. Ҳар ҳафтада шаҳар боғида кенг кўламдаги шанбаликлар уюштирилаётир. Йирик саноат корхоналари, иқтисодий барқарор ташкилотлар тегишлича сармоялари билан ўз улушларини қўшмоқда. Шаҳар ҳокимлиги қурилиш бўлими ҳузурида очилган махсус ҳисоб рақамига келиб тушаётган ихтиёрий бадаллар миқдори кун сайин кўпайиб боряпти.

Йўллар, йўлаклар, фавворалар бунёд этилмоқда, гул, дарахт кўчатлари ўтқазилмоқда. Чойхоналар, қироатхоналар, ҳордиқ чиқаришга, шовқинсиз ўйинларга мўлжалланган иншоотлар боғ чиройига-чирой қўшяпти. Умуман қурилиш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига 1,2 миллиард сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

Булар тайёргарликнинг бир томони. Юбилей арафасида шаҳарда кўплаб маданий-маърифий тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган. Олий ўқув юртлари, коллежлар, лицейлар, мактаблар, кутубхоналар, музейлардаги кайфият ҳар доимгидан ўзгача тус олган. Илмий анжуманлар, навоийхонлик кечалари, шеърхонлик баҳслари бошланиб кетди. Хайрия марафон концертлари уюштирилмоқда. Маҳаллий саноат корхоналарида Алишер Навоий сурати (тасвири) туширилган буюмлар тайёрлашга киришилди, каштачилик кўрик-танловлари ўтказилаётир.

Хуллас, қутлуғ маъракага ҳозирлик улуғ бобомиз юбилейи тантаналари юқори савияда ўтиши учун замин бўлиши шубҳасиз.

## Каратэчиларимиз тухфаси

Венгриянинг Мишкольд шаҳрида ёшлар ўртасида ўтказилган каратэ бўйича жаҳон кубоги беллашувлари ниҳоясига етди. Мазкур нуфузли мусобақада қатнашган 18 нафар ўзбек каратэчилари 11 та олтин, 5 та кумуш ва 3 та бронза медалларини қўлга киритдилар.

Эндиликда каратэчиларимиз янги асрни ёруғ юз билан қарши олишиб, 2001 йилда Франция, АҚШ, Греция, Япония ва Малайзия каби давлатларда ўтказиладиган халқаро беллашувларга тайёргарликни бошладилар.

**«Туркистон-пресс»**

# «Театр»нинг янги сони




«Театр» журналининг навбатдаги 5-сони аввалгиларидан ҳам ранго-ранг, мазмунан теран, безакларию, шакли-шамойили жиҳатидан фарқли равишда нашрдан чиқди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мустақиллигимизнинг 9 йиллиги муносабати билан фан, соғлиқни сақлаш, маданият, маърифат, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги Фармонига биноан Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг бир гуруҳ театр, маданият, ўқув юртларининг соҳа ходимлари ҳам юксак унвонлар ва давлат мукофотларига сазовор бўлдилар.

Шу муносабат билан бир гуруҳ театр актёрларини эришган унвонлари билан қутлаб, улар ҳақидаги ҳикояларга журналнинг илк саҳифаларидан жой ажратилган.

Хоразм — санъаткорлар диёри. Ушбу сон саҳифаларининг деярли кўпгина қисми хоразмлик санъаткорларнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган. Синчков муштарийлар журналнинг ташқи қиёфасидан дарров илғаб оладилар. «Нафис санъат диёри», «Театр — табаррук маскан» «Мадраҳим Шерозий мактаби», ҳофиз Комилжон Отаниёзов ҳақидаги «Қалблардадир хонишлари», «Юракларда қолган наволар», «Полвонсифат актёр» каби Хоразм вилояти санъаткорларига бағишланган мақолалар кишини бефарқ қолдирмайди. Бироқ, бошқа вилоятларда ижод қилаётган театр жамоалари ҳам унутилгани йўқ. Хусусан, Ҳ. Олимжон номидаги Сирдарё вилоят мусиқали театрининг 25 ёшга тўлиши муносабати билан «Парвози баланд қалдирғочлар», «Хотирамда қолган манзара» каби мақолалар бунга яққол мисол бўла олади. «Саҳнамиз маликаси эди» номли мақола Сора Эшонтўраева ҳақида ҳикоя қилади. «Сурхон тонги» газетасининг бош муҳаррири Муҳаммаджон Азимов ўзининг «Санъаткорлар миннатдор» деб номланган мақоласида Сурхондарё вилояти М. Уйғур номидаги мусиқали драма театрининг бугунги фаолияти, ютуқ ва камчиликлари ҳақида ёзади. Ш. Ризаевнинг «Саҳна маънавияти» рисоласи кенг оммага тарқалди. Санъатшунослик доктори М. Тўлахўжаева ушбу рисолани ўқиб, ўзининг фикр-мулоҳазаларини баён этади.

«Кулгу сандиғи» дам олиш саҳифаларида сизларни антиқа латифалар кутиб қолади. «Ҳандалак» кўрсатуви бошловчилари қизиқчи Ортиқ Султонов ва Зокиржон Очилдиевлар ўзларининг янги, ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган антиқа латифалари билан саҳифа меҳмони бўлишган.

**• Ҳикмат**

*Арининг заҳрини чекмаган — болнинг қадрини билмас*

## Ҳадиси шариф дурдоналари

*Неъматга шукр қилишлик, унга миннатдор бўлмоқ, унинг давомли бўлиши, йўқолмаслиги гаровидир.*

*Жасадда бир парча гўшт бор, агар у яхшиланса жасаднинг ҳамма аъзолари яхшиланади, агар у бузилса аъзоларнинг ҳаммаси бузилади. У — қалбдир.*

*Ҳаё фақат яхшилик келтиради.*

*Ҳаё — имондандир.*

*Шарму ҳаё ва камсуханлик имоннинг икки бўлагидир. Беҳаёлик ва гапдонлик мунофиқликнинг икки бўлагидир.*

**• Жумбоқ**

**Ўқувчилардан бири шўхлик қилиб доскада ёзилган рақамларни ўчириб юборибди. Фақат бунда тўртта 5 ва охирида битта 0 рақами ўчмай қолган. Лекин муаллим келиб барча ўчган рақамларни тиклаб қўйди. Қани, сиз ҳам уриниб кўрингчи.**




***Кечаги сонда берилган жумбоқнинг жавоби: жами 40 та қизил ва 32 та кўк олма бўлган. Тўғри жавобни Тошкентдаги 139-АТС ходимлари, Юнусобод туманидан Олима Пўлатова ва хоразмлик Шерзод Бекметовлар 136-35-60 телефони орқали маълум қилишди.***


# «ЎЗБЕКЕНГИЛСАНОАТ» уюшмаси

барча турдаги корхона ва ташкилотларни 2001 йилга мўлжалланган енгил саноат товарлари улгуржи савдо республика ярмаркасида иштирок этишга таклиф этади.

**ЯРМАРКАДА САВДО УЧУН УМУМИЙ ҲАЖМИ 106 МЛРД. СЎМЛИК ИП-ГАЗЛАМА МАТОЛАР, ТИКУВ ИПЛАРИ, ТЎҚИМА ВА АТТОРЛИК ТОВАРЛАРИ, КИЙИМ, ГИЛАМ, ЧИННИ БУЮМЛАРИ ТАҚДИМ ҚИЛИНАДИ.**



**Ярмарка 2000 йил 12 дан 15 декабргача «Ўзбекенгилсаноат» уюшмасининг кўргазма залида, Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси 45-уйда бўлиб ўтади.**

**МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 152-52-87.**

3554



# " Let's study in Japan! "
## HUMAN RESOURCE DEVELOPMENT SCHOLARSHIP
### (2001-2002)
### under the Grant Aid by the Government of Japan

*Ministry of Higher and Secondary Specialized Education with the Collaboration of JICA and Japan International Cooperation Center (JICE), offers the scholarships under Japanese Grant Aid program (JDS) to the young people in Uzbekistan in order to provide opportunities for academic research at Japanese higher educational institutions' Master course. The JDS Program targets young government officers, researchers, business people and others with the potential to play leadership roles in their specialties after their return to Uzbekistan so that they can contribute more effectively to the development of Uzbekistan.*

**1. Qualification and Requirements for Applicants**

*(1) Nationality: Applicants must be citizens of the Uzbekistan*
*(2) Age: Between the age of 22 and 35 years old (as of September 1, 2001)*
*(3) Number to be dispatched: at most twenty persons*
*(4) Academic background: Higher Education graduates (or those who will complete to get credits necessary for their graduation from a university or an institute by the end of June 2001)*
*(5) English Proficiency Level for Master's course in Japan: IELTS 6.5 / TOEFL 550 or equivalent is required. (Japanese proficiency also is preferable.)*
*(6) No applicants who are currently receiving (or is scheduled to receive) another scholarship shall be eligible for selection as a student.*

**2. Study field in Japan and its degree**

*(1) Study field*
*a. Law*
*(*For those who are applying for the field of Law, it is necessary to have a degree of Bachelor in Law.)*
*b. Public Administration?*
*c. Economics*
*d. Business Administration*
*(*Those who are applying for the field of Business Administration, more than 3 years of related working experiences are required.)*
*e. Other (Information Technology)*
**Consequently, applicants who graduated with excellent academic records in each subject are preferable.*
**Especially, as for Information Technology, high-level knowledge of related fields are strongly needed. Background such as "Computer Systems and Network Engineering", "Multimedia Science and Arts" or "Info-telecom Socio-Economics, Network business and Policy" is necessary.**
*(2) Degree to be obtained: Master's degree (basically, 2-2.5 year-course)*
*(3) Language of Master's degree: English and/or Japanese*

**3. Tentative Schedule of JDS Program**

*(1) Time of commencement of preparatory Japanese training: Middle of April 2001 (Every weekday, full-time basis, in Tashkent)*
*(2) Time for leaving for Japan: July or August 2001*

**4. Application procedure**

*Applicants should submit the JDS's "Application Form" accompanied with necessary documents (e.g. academic record and graduation certificate of your university). The Application Form will be available at the places below from Today.*

*1. National University of Uzbekistan*
*2. University of World Economy and Diplomacy*
*3. Tashkent State Institute of Law*
*4. Tashkent State University of Economics*
*5. Tashkent State Institute of Oriental Studies*
*6. Tashkent Institute of Finance*
*7. Tashkent State Technical University*
*8. Andijan State University*
*9. Bukhara State University*
*10. Gulistan State University*
*11. Jizzah Politechnical Institute*
*12. Karakalpak State University*
*13. Karshi State University*
*14. Namangan State University*
*15. Samarkand State University*
*16. Samarkand Cooperative Institute*
*17. Termiz State University*
*18. Fergana Politechnical University*
*19. Navoiy State Mining Institute*
*20. Urgench State University under the name of Al-Khorazmiy*
*21. Embassy of Japan in Uzbekistan*
*- Mon. to Fri., 9:30 to 13:00 and 14:30 to 18:00*
*- 1-18, Sadyk Azimov Str., Tashkent*
*- Tell its receptionist your purpose of visit there*
*22. JICA Uzbekistan Office*
*- Mon. to Fri., 9:30 to 12:30 and 14:00 to 18:00*
*- Until 28th Dec.*
*- 18, Sadikov Str., Tashkent*
*- Tell its receptionist your purpose of visit there*
*23. JICE Uzbekistan Project Office (Banking and Finance Center)*
*- Mon. to Fri., 9:30 to 12:00 and 14:00 to 18:00*
*- 1, Turab Tula Str. Tashkent*
*- Tell its receptionist your purpose of visit there*
*24. Ministry of Higher and Secondary Specialized Education*
*- Mon. to Fri., 15:00 to 17:00*
*- 6, Mustakilik Str., Tashkent*
*- Tell its receptionist your purpose of visit there*

**5. Application deadline ; 8th January 2001**

*Applications received after the deadline will NOT be considered.*

**6. For more information, you can access to Internet, JICA's Website. From 8th December**

*http://www.jica.uz/*

*Reference Telephone (Monday to Friday, 14:00 to 17:00 until 5th Jan. 2001)*
*139-6091 (Ministry of Higher and Secondary Specialized Education)*
*139-1567 (JICE Uzbekistan Project Office)*
*(We may not answer the detail of scholarships itself, the selection criteria and so on.)*

3557



*Мухтарам хонимлар ва жаноблар!*

# «АСАКА» банки

омонатларнинг **"Истиқлол"** тури бўйича аҳолидан маблағларни қабул қилиш муддатини узайтирди.

**Омонатни «Асака» банкининг истаган бўлимида очишингиз мумкин.**
**Омонат муддати - тўрт ой.**
**Омонатнинг энг кичик ҳажми - 500000 сўм**
**Унинг максимал миқдори чекланмаган.**

***Омонат бўйича ҳар ойда 6%***

***ёки йиллик 72% миқдорида даромад тўланади.***

*«Асака» банки - омонатларингиз сақланиши ва кўпайишининг гаровидир.*

**Маълумотлар учун телефонлар: 120-83-91, 120-83-92.**

**Манзилимиз: 700015, Тошкент ш., Нукус кўч., 67.**

***Банк филиаллари - Нукус шаҳри ва барча вилоят марказларида.***

ASAKA BANK

3537


«Ўзмашсаноат» уюшмаси раҳбарияти «ВОСТОК» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг собиқ бош директори

**Марат ШАКИРЗЯНОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, республика Давлат санитария эпидемиология назорат маркази жамоалари вазирликнинг СПИД маркази директори Мумтоз Ҳакимовга падари бузруквори

**Мунимхон ҲАКИМОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги «Ўзсувтаъмирфойдаланиш» республика бирлашмаси жамоаси Қуйи дамбалари бошқармаси бошлиғи Комилжон Ражаповга онаси

**Тўти опа МАШАРИПОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

М. Қориёқубов номидаги Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси Ўзбекистон халқ ҳофизи

**Эсон ЛУТФУЛЛАЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқин кишиларига чуқур таъзия изҳор қилади.

ТИҚХМИИ жамоаси «Сув қувватидан фойдаланиш ва насос станциялари» кафедраси доценти

**Расулжон АБДУРАУПОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Меҳрли савдо» давлат корхонаси жамоаси бош директор Шукрулло Абдуллаевга волидаи муҳтарамаси

**Марҳамат АБДУЛЛАЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ.**

**Таҳрир ҳайъати:**
**Э. БОЛИЕВ** (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
**М. ЕГОРОВ** (масъул котиб — «Народное слово»),
**Ш. ЖАББОРОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
**С. ЗИНИН,**
**М. МИРАЛИМОВ,**
**С. МУҲИДДИНОВ,**
**Ш. РИЗАЕВ,**
**М. САФАРОВ,**
**Р. ФАРҲОДИЙ,**
**И. ХУДОЁРОВ,**
**И. ШОҒУЛОМОВ,**
**О. ҚАИПБЕРГЕНОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
**Ў. ҲОШИМОВ.**

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;*
*Ҳуқуқ — 136-07-94;*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;*
*Ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 133-78-92;*
*Халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

**Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001**
Буюртма Г — 1115, 18120 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда оператор **Ж. ТОҒАЕВ** томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — **А. ОРИПОВ.**
Навбатчи муҳаррир — **Ж. САЪДУЛЛАЕВ.**
Навбатчи — **Э. МАВЛОНОВ.**
Мусаҳҳиҳ — **Ш. МАШРАББОЕВ.**

**• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.**

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*топширилди — 21.00*
1 2 3 4 5 6